I. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 26000 тани ташкил қилиб, шундан 25259 таси ёки 97,2 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 6203 та (23,9 фоизи), қишлоқ,ўрмон ва балиқ хўжалиги 3528 та (13,6 фоизи), саноат 3479 та (13,4 фоизи), қурилиш 3144 та (12,1 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1189 та (4,6 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади
(2020 йил 1 январь ҳолатига)

	Рўйхатга олинганлар		***Фаолият кўрсатаётганлар***	
	бирлик	***якунга нисбатан фоизда***	***бирлик***	***якунга нисбатан фоизда***
Жами	**26000**	**100,0**	**25259**	**100,0**
шу жумладан:				
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3528	13,6	3392	13,4
Саноат	3479	13,4	3397	13,4
Қурилиш	3144	12,1	3044	12,1
Савдо	6203	23,9	6036	23,9
Ташиш ва сақлаш	894	3,4	873	3,5
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1189	4,6	1140	4,5
Ахборот ва алоқа	296	1,1	286	1,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	613	2,4	607	2,4
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	6654	25,5	6484	25,7

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 87,6 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 38,3 фоизи хусусий корхоналар, 0,9 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 60,6 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади

(умумий сонига нисбатан фоизда)

2019 йил январь-декабрда жами 5554 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 5154 та). Уларнинг асосий қисми Қарши шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 19,0 фоиз), Қарши (8,6 фоиз), Чироқчи (8,2 фоиз), Касби (6,5 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 29,1 фоизи савдода, 20,8 фоизи саноатда, 16,8 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 1115 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 258 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 23,1 %) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Рўйхатга олинган юридик шахсларни мулкчилик шакллари бўйича тақсимлаш

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) бирликда

	Жами, бирлик	*давлат*	*нодавлат*	*шундан хусусий*
Вилоят бўйича:	**26000**	**3228**	**22772**	**8723**
шаҳарлар:				
Қарши	5393	413	4980	1220
Шаҳрисабз	1645	165	1480	727
туманлар:				
Ғузор	1214	189	1025	427
Деҳқонобод	1251	181	1070	809
Қамаши	1734	222	1512	654
Қарши	2040	198	1842	746
Косон	2041	259	1782	465
Китоб	1738	244	1494	824
Миришкор	877	144	733	191
Муборак	940	109	831	192
Нишон	987	131	856	334
Касби	1050	169	881	337
Чироқчи	2108	341	1767	693
Шаҳрисабз	1250	217	1033	401
Яккабоғ	1732	246	1486	703

Корхона ва ташкилотлар сони
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

	2020 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган	*2019 йил январь-декабрь ойларида*	
		ташкил топди	*тугатилди*
Вилоят бўйича:	**26000**	**5554**	**1115**
шаҳарлар:			
Қарши	5393	1055	345
Шаҳрисабз	1645	342	44
туманлар:			
Ғузор	1214	249	12
Деҳқонобод	1251	227	40
Қамаши	1734	374	58
Қарши	2040	479	62
Косон	2041	343	109
Китоб	1738	337	97
Миришкор	877	260	41
Муборак	940	165	43
Нишон	987	235	20
Касби	1050	362	69
Чирокчи	2108	456	80
Шаҳрисабз	1250	333	41
Яккабоғ	1732	337	54

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 100 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 71 тага кўпайган ёки 3,4 мартага ошган.

Бунда, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштирокида 13 та, Қозоғистон Республикаси 11 та, Хитой Халқ Республикаси 10 та, Афғонистон 10 та, Туркия Республикаси 10 та, Эрон Ислом Республикаси 7 та, Ҳиндистон Республикаси 7 та, Миср Араб Республикаси 4 та, Жанубий Корея 4 та ва бошқа давлатлар ҳамкорлигида 24 та корхоналар рўйхатдан ўтган. Шунингдек, 2019 йилда Украина ва бошқа давлатлар резидентлари қўшма фаолиятга қизиқиш билдирдилар.

Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг давлатлар кесимида сони, бирликда

Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 141 таси қўшма, 51 таси эса хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келади.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг давлатлар кесимидаги сони

(2019 йил январь-декабрь ойларида)

(бирликда)



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 декабрдаги "Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 274-сонли қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан тақдим этилган билдиришномага асосан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри базаси юритилади.

Агар фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари кесимида ушбу маълумотларни 2020 йил 1 январь ҳолатига кўрсак энг кўп саноатда 102 та (53,1 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 28 та (14,6 %) ҳамда савдода 27 та (14,1 %), қурилиш ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича

хизматларда мос равишда 10 та (5,2 %) ташкил қилган. Энг камлари эса ахборот ва алоқа 3 та (1,6 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 3 та (1,6 %) ташкил қилган. Шундан кўриниб турибдики, фаолият юритадиган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолият турига тўғри келаркан. Шунингдек, энг кам улуши эса ахборот ва алоқада, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш фаолият турларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда



Оилавий корхоналар сони

Қашқадарё вилояти бўйича жами юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 1335 тани ташкил этиб, улардан 1297 таси ёки 97,2 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан рўйхатдан ўтганлар ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сонини ўртача 1,9 мартага ошган.

Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар, *бирликда*



Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда оилавий корхоналарнинг 431 таси 33,2 % саноат, 266 таси 20,5 % савдо, 241 таси 18,6 % яшаш ва овқатланиш хизматлари, 202 таси 15,6 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 33 таси 2,5 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 18 таси 1,4 % қурилиш, 9 таси 0,7 % ташиш ва сақлаш, 8 таси 0,6 % ахборот ва алоқа ҳамда 89 таси 6,9 % бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда



Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар иқтисодий фаолият турлари бўйича юқори улушга эга бўлганлари саноат (жами улушга нисбатан 33,2 %), савдо (20,5 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (18,6 %), ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (15,6 %), соҳаларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, *(бирликда)*



Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 20304 та кичик корхона ва микрофирмаларнинг 6005 таси (29,6 %)–савдода, 3356 таси (16,5 %)–саноат, 3355 таси (16,5 %)-қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 3021 таси (14,9 %)–қурилиш, 1124 таси (5,5 %)–яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 852 таси (4,2 %)–ташиш ва сақлашда, 460 таси (2,3 %)–соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 280 таси (1,4 %)–ахборот ва алоқа соҳасида, шунингдек 1851 таси (9,1

%)–бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми савдо ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа соҳасида тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда

(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Қашқадарё вилоятида иқтисодий фаолият турлари бўйича жами фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан 23,9 % савдо соҳасида, 13,4 % саноат соҳасида, 13,4 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 12,1 % қурилиш соҳасида, 4,5 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 3,5 % юк ташиш ва сақлаш, 2,4 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 1,1 % ахборот ва алоқа ва 25,7 % бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.